

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.FII.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАХАРОВ ҚОБИЛ ШУҲРАТ ЎҒЛИ

**ЎЗБЕК ВА НЕМИС НУТҚИЙ ЭТИКЕТЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ
ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 811.512.133'362
811.112.2'362

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Кахаров Қобил Шухрат ўгли

Ўзбек ва немис нутқий этикетларининг қиёсий тадқиқи..... 3

Кахаров Кобил Шухрат угли

Сравнительное исследование узбекского и немецкого
речевого этикета.....25

Кахаров Қобил Шухрат о'ғ'ли

Comparative research of Uzbek and German speech etiquette..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fii.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

КАХАРОВ ҚОБИЛ ШУҲРАТ ЎҒЛИ

**ЎЗБЕК ВА НЕМИС НУТҚИЙ ЭТИКЕТЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ
ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2020.3.PhD/Fil.1147 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб саҳифасининг www.adu.uz ҳамда «Ziyouet» ахборот-таълим портали www.ziyouet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Искандарова Шарифа Мадалиевна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ризаев Баходир Хайдарович
филология фанлари доктори, профессор

Раимжонов Зафарбек Хасанбоевич
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)


Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация химояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «30» 11 кuni соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел.: 8 (374) 223-84-33; факс: 8 (374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (22 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел.: (374) 223-84-33; факс: 8 (374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «18» 11 кuni тарқатилди.
(2020 йил «18» 11 даги 6 рақамли реестр баённомаси)



Ш.Х.Шахобиддинова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

У.Э.Рахимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

М.И.Умарходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб семантикага эътиборнинг кучайиши тилшуносликда янги соҳаларнинг, хусусан, прагматиканинг жадал ривожланишига сабабчи бўлди. Сўнгги йилларда олиб борилган изланишлар ва тадқиқотлар таҳлилига кўра, прагматика ўзининг муҳим масала ва муаммолари билан тилшунослар эътиборини алоҳида жалб этган йўналишлардан бўлиб қолмоқда.

Дунё тилшунослигида мазкур соҳанинг ўрганиш объектига эга бўлган масалалар талайгина. Хусусан, ана шундай изланишлар ва тадқиқотлардан бири турли тилларда мавжуд бўлган нутқий этикетлардир. Кейинги йилларда жаҳон тилшунослигида кишилар ўртасидаги ўзаро мулоқот, турли халқлар учун хос бўлган нутқий муносабатлар, улардаги умумий ва ўзига хос томонлар, ўхшаш ва фарқли жиҳатлар, алоқа-аралашувнинг миллий-маданий ва умумлисоний белгиларини ўрганишга катта қизиқиш билан қаралмоқда. Бу қизиқишларнинг натижаси сифатида нутқий этикет, унинг бирликлари, нутқий этикет вазиятлари билан алоқадор бўлган масалалар хусусида қатор илмий тадқиқотлар юзага келди.

Мустақиллик йилларида тилшуносликда турли халқлар миллий-маданий ва этник қиёфасини намоён этишга қаратилган бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилди. Ҳозирги шиддат билан ўзгараётган замонда турли халқлар маданиятини тубдан ўрганиш ва ўзбек маданиятининг шарқона маданий хусусиятларини жаҳон майдонига олиб чиқишга эҳтиёж катта. «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонда «давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари истикболларини белгилаш»¹ масаласи алоҳида таъкидланган. Бугунга келиб, мустақил Ўзбекистон дунёнинг кўп давлатлари, жумладан, Германия билан ўзаро ҳамкорлик қилаётгани ўзбек халқи ва бошқа миллат вакилларининг миллий хусусиятларини чуқур ўрганиш, уни қиёсий планда чуқур тадқиқ этиш заруратини юзага келтиради. Шу сабабли бир-биридан узоқда яшовчи ўзбек ва немис халқлари нутқий этикет шаклларини қиёслаб ўрганиш яқин ҳамкорлик алоқалари таъминланишига йўл очиши мумкинлиги билан ўта муҳимдир. Шунга кўра, турли тизимга мансуб ўзбек ва немис халқларининг нутқий мулоқотларини белгиловчи этикет шаклларини қиёсий асосда тадқиқ қилиш бугунги кунда жуда муҳим назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4797-сон, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон Фармони, 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони / Халқ сўзи, 2019, 22 октябрь, № 218 (7448).

ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сон, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ВМК-304-сон, 2019 йил 15 июндаги «Умумий ўрта таълим муассасаларида немис ва француз тилларини ўқитишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ИД-3916-сон Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммоннинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация мавзуси бўйича А.Книгге, Р.Седлачек, Р.Июелбгойфтс, В.Хартунг, Х.Шонфельд, Б.Юрген, С.Аугенштайн, А.А.Акишина, В.М.Алпатов, Н.Д.Арутюнова, Б.Н.Головин, В.Е.Гольдин, Ю.Д.Дешериев, В.Г.Костомаров, Н.Ф.Михеева, Т.Н.Наумова, Ф.Пап, Л.П.Ступин, К.С.Игнатъев, О.Б.Сиротинина, Н.М.Фирсова, Н.И.Формановская, Б.Ким, В.Бредов, И.Ренате, Ш.Жемс, К.Райнер, Х.Люгер, Ж.Мала, Ш.Фридманн, Ж.Шилд каби олимлар жаҳон тилшунослигида бир қатор ишларни амалга оширдилар ва мазкур соҳанинг ривожланишига ҳисса қўшдилар¹. Улар немис, япон, инглиз, испан, француз, рус тилларини чет тили сифатида ўрганишда нутқий этикет бирликларини турли ёндашувлар асосида тадқиқ этиб бордилар. Нутқий этикетларнинг лингвистик ҳамда прагматик хусусиятлари олиб борилган текширишларда уларнинг

¹ Адольф Книгге. Об обращении с людьми. Феникс. – М., 1944; Sedlaczek R. Lect&Leitwand. Das Lexikon der Jugendsprache. – Wien: Echomedia Verlag GmbH, 2006; Ibelgaufits, Renate. Körpersprache. Wahrnehmen, deuten und anwenden. – Augsburg: Weltbild Verlag GmbH Argyle, 2005; Hartung W., Schönfeld H. Kommunikation und Sprachvariation. – Berlin: Akademie-Verlag, 1981; Bolten, Jürgen. Interkulturelle Kompetenz. – Erfurt: Landeszentrale für Politische Bildung, 2001; Augenstein S. Funktionen von Jugendsprache. Studien zu verschiedenen Gesprächstypen des Dialogs Jugendlicher mit Erwachsenen. – Tübingen: De Gruyter, 1998; Werner Besch. Duzen, Siezen, Titulieren. Zur Anrede im Deutschen heute und gestern. 2. Auflage. – Göttingen: Vandenhoeck & Ruprecht, 1998; Barbara Kettl-Römer. Duden. Sichere Umgangsformen. In: Duden Praxis Kompakt. – Mannheim / Zürich: Bibliographisches Institut, 2011; Акишина А.А., Формановская Н.И. Русский речевой этикет. 2-изд. – М.: Русский язык, 1978; Алпатов В.М. Япония. Язык и общество. – М.: Муравей, 1988; Арутюнова Н.Д. Фактор адресата // Известия АН СССР / Сер. Литературы и языка. Т.40. – М., 1981. №4; Гольдин В.Е. Обращение: теоретические проблемы. – М.: Либроком, 1987; Костомаров В.Г. Русский речевой этикет. – Русский язык за рубежом. 1967. №1; Ступин Л.П., Игнатъев К.С. Современный английский речевой этикет. – Л.: ЛГУ, 1980; Фирсова Н.М. Испанский речевой этикет. – М.: Высшая школа, 1991; Формановская Н.И. Русский речевой этикет: лингвистический и методологический аспекты. – М.: Русский язык, 1982; Николаева Т.М., Успенский Б.А. Рецензии о новых работах паралингвистики. Вопросы языкознания. – М., 1965. №6; Колманский Г.В. Паралингвистика. – М.: Наука, 1974; Горелов И. Невербальные компоненты коммуникации. – М.: Наука, 1980; Голубовский Д.А. Невербальная коммуникация в древнерусских письменных источниках: опыт семантического анализа: Автореф. дис. ... канд.филол.наук. – М., 2009.

экстралингвистик воситалар орқали ифода этилиш ҳолатлари ҳам ўрганилди. Ўзбек тилшунослигида ҳам бу масала дастлаб нутқ маданияти, мулоқот меъёрлари доирасида ўрганилган¹. Бу йўналишда Б.Ўринбоев, Н.Махмудов, С.Мўминов, Ш.Искандарова, Р.Расулов ва уларнинг издошлари томонидан бир қатор монографик тадқиқотлар олиб борилган². Лекин ўзбек ва немис халқларининг нутқий этикети, улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонлар, шунингдек, уларнинг миллий-маданий ҳамда меъёрий хусусиятлари қиёсий планда махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Қиёсий тилшуносликнинг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва немис халқлари нутқий этикетлари, унинг ифода шакллари ва ижтимоий моҳиятини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нутқий этикет бирликлари, унинг юзага келиш вазиятларини мавзуй гуруҳларга ажратиш;

ўзбек-немис нутқий этикетларининг вазифаларини белгилаш;

мазкур халқларга хос нутқий этикет ва меъёр тушунчаларини асослаш;

ўзбек ва немис тилидаги мурожаат шакллари, *сен/сиз* муносабати, гендер муносабатлари асосида социolingвистик хусусиятларини таҳлил этиш;

ўзбек ва немис нутқий этикетда нолисоний воситаларнинг ўрнини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек ва немис тилларидаги нутқий этикетлар олинган. Тадқиқотни ёритишда ўзбек ва немис ёзувчиларининг

¹ Шодмонов Э. Муомала муносабатларида қўлланилган сўз-гапларга доир. // Тилшунослик масалалари. – Тошкент: Фан, 1970, 167-175-бетлар; Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория. – Тошкент, 1974; Ўринбоев Б., Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. – Тошкент, 1991; Нетьматов О., Бозоров О. Тил ва нутқ. Тошкент: Ўқитувчи, 1993; Рустамов А. Сўз хусусида сўз. Тошкент: Ёш гвардия, 1987; Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол.фанлари д-ри ... дисс.автореф. – Тошкент, 2000; Мўминов С. Окказионал нутқий номинацияда мотивациянинг роли: Филол.фанлари номз. ... дисс.автореф. – Тошкент, 1990. Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол.фанлари номз. ... дисс.автореф. – Самарқанд, 1993.

² Махмудов Н. Тил. – Тошкент: Ёзувчи, 1998; Махмудов Н. Ўзимиз ва сўзимиз. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1997; Махмудов Н. Нутқнинг жўялилиги // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. 3-сон; Махмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўлларини излаб...// Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. 5-сон; Махмудов Н. Зиддият ва маъно тараккиёти // Ўзбек тили ва адабиёти, 2014. 3-сон; Mo'minov S. Muloqot mezonlari. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2004; Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Расулов Р., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти. (Уқув-методик қўлланма). – Тошкент, 2004; Акбарова З.А. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007; Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. – Самарқанд: СамДҲТИ, 2007; Ахмедова Н.Ш. Ўзбек тилида мурожаат birlikларининг семантик-коннотатив тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008; Расулов Қ.А. Ўзбек мулоқот ҳулқининг функционал ҳосиланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008; Маматқулов А.Л. Француз тилида “Нутқий ҳушёрлик” – социolingвистик ҳодиса сифатида: Филол. фан. номз. ... дисс.автореф. – Самарқанд, 2012. ва бошқалар.

асарлари, турли ижтимоий гуруҳ вакилларининг жонли нутқи асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек ва немис тилларида шаклланган нутқий этикетлардаги ўхшашлик ва фарқлилик, маданият ва нутқий жараёнлардаги ўзига хосликлар асосида икки тилда сўзлашувчи халқларнинг нутқий фаолиятидаги асосий жиҳатларининг қиёси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, зидлаш, қиёслаш ва социолингвистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: нутқий этикетнинг расмий/норасмий шакллари диний-этник, ижтимоий-тарихий меъёрлар билан чамбарчас боғлиқ эканлиги асосланган;

ўзбек ва немис мулоқот жараёнидаги мурожаат шакллариининг қўлланиш даражаси урф-одат, маданият, миллий- меъёрий мезонлар асосида ёритилган;

ўзбек ва немис тилларидаги *сен/сиз* шакллариининг мулоқот жараёнидаги меъёрий асослари очиб берилган;

ўзбек ва немис халқлари коммуникация жараёнидаги ёш ҳамда жинс билан алоқадор новербал воситалар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва немис тилларидаги нутқий этикетга доир лисоний бирикларнинг тадқиқи амалга оширилиши натижасида олинган хулосалар антрополингвистика, лингвокультурология йўналишларини янги илмий-назарий қарашлар билан бойитиши, нутқ маданиятига доир тадқиқотлар яратишда хизмат қилиши асосланган;

ўзбек ва немис нутқий этикетларининг ўзига хос жиҳатларини ёритишга оид натижалар қиёсий тилшунослик, этнолингвистика, нутқ маданияти соҳаси учун муҳим назарий қарашларнинг шаклланишига асос бўлиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, таҳлилга тортилган материалларнинг қиёслаш, тавсифлаш, зидлаш, социолингвистик таҳлил каби усуллар орқали асослангани, нутқий этикетларни тавсифлашда ўзбек ва немис коммуникация жараёнидаги материалларга таянилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижалари қиёсий тилшунослик, таржимашунослик, нутқ маданияти, лингвокультурология, этнолингвистиканинг тараққий этишида, уни илмий-назарий тавсиялар билан бойитишда муҳим манба вазифасини ўтайди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти таржимашунослик, нутқ маданияти, этнолингвистикага доир муаммоларни ҳал этишда, таржима луғатлари яратишда, коммуникация жараёнига оид тушунчаларни такомиллаштиришда катта амалий аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек ва немис нутқий этикетларининг қиёсий тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбек халқининг мулоқот жараёнида қўллайдиган нутқий этикетларини намоён этувчи лисоний бирликлар тизимини ифодалаган материаллардан унумли фойдаланиш, умумхалқ тили манбалари, мулоқот меъёрлари, нутқ маданиятига хос луғавий бирликлар, яхлит иборалардан фойдаланишга оид назарий қарашлари, амалий тавсиялари ва илмий хулосаларидан (2015-2017) А-1-099 рақамли «Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 октябрдаги 89-03-3639-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа ҳисоботлари услуби қайта кўриб чиқилди ва тушунарлилиги ортди;

Ўзбек тилидаги мурожаат шакллариининг психолингвистик хусусиятларини таҳлил этишда, гендер муносабатли нутқий этикетлар орқали нутқ психолингвистик тусининг ўзгаришидаги ўзига хосликларни аниқлашда, ўзбек нутқий этикетларининг ўзига хос прагматик жиҳатлари нутқни яратиш ва қабул қилишга таъсирини баҳолашда, турли табақа вакиллариининг нутқни психологик тусини шакллантиришдаги нутқий этикетлардан фойдаланишдаги ўзига хос жиҳатларини аниқлашда (2015-2017) А-1-39 рақамли «Ўзбек амалий психолингвистикасини яратиш дастурини ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 сентябрдаги 89-03-3464-сон маълумотномаси). Натижада нутқий этикет билан боғлиқ масалаларнинг назарий тадқиқи ва амалий таҳлили мукаммаллаштиришга эришилди;

диссертация иши натижаларидан Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2019-2020 йилларда «Очик мулоқот», «Долзарб мавзу», «Замондош», «Қадрият», «Маънавият – қалб кўзгуси», «Кун мавзуси», «Фарғона – 24» кўрсатувларида кенг фойдаланилган (Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 8 сентябрдаги 138-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг таъсирчанлиги, ранг-баранглиги ортган, мазмунан мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 9та илмий-амалий анжуманда, жумладан, республика миқёсида 4 та, 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан 14 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 153 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилинганлиги апробацияси, нашр этилган ишларга муносабат, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Нутқий этикетлар ва уларнинг талқини» деб номланган бўлиб, унда ўзбек ва немис этикетларининг тадқиқи, ўзбек ва немис этикет шакллари ҳақида умумий маълумот берилади.

Жаҳон тилшунослигида тилда миллат белгиси акс этиши билан боғлиқ қарашлар Вильгельм фон Гумбольдт ғояларига бориб туташади. Буюк немис мутафаккири олимнинг «Тил халқлар руҳининг худди зоҳирий намоён бўлишидир: халқнинг тили унинг руҳидир ва халқнинг руҳи унинг тилидир, булардан-да бир-бирига айнан мос бошқа нарсани тасаввур қилиб бўлмайди» ёки «Миллатнинг характери ахлоқ, одат, хатти-ҳаракатидан кўра, тилига қараб осонлик билан билиш мумкин»¹ деган фикрлари айнан тилда миллат белгилари доимо мавжуд бўлишига ишора қилиниб, лингвокультурологиянинг асоси бўлиб хизмат қилади. Бунда нутқий этикетлар масаласининг асосий марказидан ўрин эгаллайди.

Ўзбек маърифатпарварларидан бири Абдулла Авлоний «Миллат тилини йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдир»² деб таъкидлаганда, унинг тил ва миллат руҳининг муштараклиги ҳақидаги қарашлари В.Гумбольдт ғояларига бевосита ҳамоханликда туташиб кетади.

Ўзбек тилшунослигида нутқий этикетни ифодаловчи воситалар, бошқа кўплаб халқлар тилшунослиги тарихида бўлгани каби, даставвал, маданиятшунослик, одоб-ахлоқ меъёрлари қаторида ўрганилган. Бу давр адабиётларида ўрганилган нутқий этикет, жумладан, мулоқот шакллари тил биллиги сифатида эмас, балки тарбия ифодаси, инсон шахсиятининг намоён этувчи тушунчалар сифатида таҳлил этилган. Бу каби асарлар моҳиятига кўра илмийликка нисбатан кўпроқ дидактик характерга эга ҳисобланади. Уларда панд-насихат қилиш, йўл-йўриқ кўрсатиш ва асар мақсадига кўра ҳам ўрганишдан кўра ўргатиш устуворлиги сезилади. Бундай асарлар қаторига Кайковуснинг «Қобуснома», Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат-ул ҳақоийк», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Алишер Навоийнинг «Маҳбубул қулуб», Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», «Пандномалар» қабиларни киритиш мумкин.

¹ Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – С.68. Бу ҳақда қarang: Махмудов Н. Тил сийёсати ва сийёсат тили // Тил тилсини тадқиқи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. – Б.57.

² Авлоний А. Таъланган асарлар. 2-жид. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б.60.

Ўзбек тилида нутқ маданияти, нуткий одатлар масалаларининг назарий тадқиқ этилиши ҳамда тилшунослиқда алоҳида тармоқ сифатида шаклланишида таниқли олимлар С.Иброҳимов, Р.Қўнғуров, Х.Дониёровлар тамал тошини қўйган бўлсалар, кейинчалик бошқа олимлар катта меҳнат қилиб, бу йўналишда муайян соҳаларни шакллантиришга эришдилар. Жумладан, Э.Бегматов, А.Рустамов, Н.Маҳмудов каби йирик олимлар, асосан, лексик бирликлар, сўз кесимида иш олиб борган бўлсалар, Б.Ўринбоев синтаксис соҳасида, Э.Бегматов, Ё.Тожиёв, С.Мўминов, С.Каримов, Ш.Искандарова, З.Акбарова каби олимларнинг тадқиқотларида эса мулоқот жарабинининг нуткий одат шакллари жиҳатдан таҳлили масаласига ойдинлик киритилди. Ўзбек тилшунослиғида нуткий одатларнинг илмий асослари бўйича муайян тадқиқотлар амалга оширилди. Бу соҳа ривожига қўллаб олимлар қаторида профессор Н.Маҳмудовнинг алоҳида хизматлари бор. Хусусан, олимнинг илмий қарашларида тил ва жамият муносабатларининг ўзига хос жиҳатлари назарий асосланган.

Профессор С.Мўминов ўз илмий изланишларида ўзбек мулоқот хулқини илк бор ижтимоий-лисоний аспектда ўзбек коммуникантлари фаолиятининг композицион босқичлари, коммуникантлар ўртасидаги муносабатнинг миллий ўзига хос хусусиятлари, мулоқот хулқининг жинс, ёш, социал ва ҳудуд жиҳатидан хосланишини атрафлича тадқиқ этди. Олимнинг илмий қарашлари унинг шоғирдлари фаолиятида такомиллаштирилди.

Маълумки, немис халқи вакиллари маданият бобида дунё халқлари орасида анча олдинги ўринда туради. Айтиш мумкинки, немис маданияти гарб маданияти таъсирида шаклланган. Немис тилшунослиғида тилнинг халқ руҳи билан чамбарчас боғлиқлиги масаласи Вильгельм Фон Гумбольдт голяридан куч олади.

Нутқ маданияти тилшунослиқ соҳаси олимларидан ташқари, бошқа қўллаб соҳа вакиллари ҳам қизиқтириб келган. Жумладан, 1788 йилда немис маданиятшунос олими Адольф Фраер фон Книгтенинг «Über den Umgang mit Menschen» (Кишилар билан мулоқот қилиш тўғрисида) номли китоби нашр этилди. Мазкур китобда муаллиф кишилик жамиятининг барча соҳаларида, расмий ёки норасмий мулоқотларда одам ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида қоидалар ишлаб чиқади¹. Бу эса олимга катта машҳурлик олиб келди. Бугунги кунда Германияда одоб-ахлоқ қоидалари билан боғлиқ тушунчани ҳам Книгте номи билан боғлашади. Уларни ҳатто *Книгге қоидалари* деб ҳам атайдилар.

Нуткий этикетнинг ўзига хослик хусусияти ва маданиятлараро фаркланишлар мулоқотнинг туб моҳиятидан бошлаб ўрганиш эҳтиёжини юзага келтиради. Маданиятлараро мулоқот фақат лисоний тарзда кечмайди, балки ташқи кўриниш, юз ифодаси, имо-ишора ва жестлар орқали хабарларни қабул қилишнинг ўзида мулоқот жараёни бошланади.

Шулц фон Тун алоқага киришишнинг уч жиҳатини алоҳида кўрсатади:

1. Ўзаро муносабатлар орқали хабар бериш, 2. Жозибадорлик, 3. Ўзини

¹ Knigge A. Über den Umgang mit Menschen. – Hannover: Insel Verlag, 2018. – S.395.

намоён қилувчи¹. Шулу фон Туннинг бундай фикрини тўла маъқуллаган ҳолда нуткий этикетда ўзаро хурмат ҳам муҳим роль ўйнашини таъкидлаш лозим.

Кишилар ўртасидаги ўзаро мулоқот, тил бирликларининг ижтимоий жихатдан фаолиятини белгилаш ва шу каби ўзбек тилшунослиги олдидagi муҳим муаммоларни ҳал этишда ўзбек ва немис нуткий этикетига хос назарий масалаларни чуқур ўрганиш ҳам илмий аҳамият касб этиши мумкин. Ўзга мамлакатнинг этикет қоидаларини билнш, у ерларда бўлганда, нафақат нуқулай ҳолатга тушиб қолишдан сақлайди, шу мамлакатнинг этикет қоидаларини хурмат қилишга ҳам ўргатади.

Биринчи бобда ўзбек ва немис нуткий этикет шакллари тўғрисида ҳам фикр юритилади. Нуткий этикет вазиятлари муомаланинг ташки шароитлари ва ички ҳолатлари билан алоқадор бўлиб, улар барқарор ва ўзгарувчан вазиятларга бўлинади. Нуткий этикет вазиятларида ишлатилувчи маълум тилга хос бирликлар умумлашиб, аста-секин қатъийлашган андозаларга айланади. Маълум миллат тилига мансуб бўлган ана шу андозалар нуткий этикет бирликларининг мавзу гуруҳларини ташкил қилади. Масалан, саломлашиш – Begrüssung, хитоб ва эътиборни тортиш – Anrede und Aufmerksamkeiten überschütten, verwöhnen, танишини – Bekanntschaft, илтимос – Bitte, хайрлашини – Verabschiedung, уэр сўраш – Verzeihung, қутлаш – Glückwunsch, миннатдорчилик билдириш – sich bedanken каби.

Миллатнинг биринчи белгиси – тил. Маданиятнинг биринчи белгиси – одоб. Одобнинг биринчи белгиси – бу саломлашиш. Саломлашиш ҳар бир тил, ҳатто ҳар бир лаҳзада ўзгача янграйди. Бирок барчасининг луғавий маъноси «саломатлик» сўзига маънодош ҳисобланади. Шундай тиллар борки, уларда саломлашишнинг сўзма-сўз таржимасида «*жонинг омонми*», «*егулигинг борми*», «*қорнинг тўқми*», «*танангда қувват борми*», «*оиланг тинчми*», «*қулбанг бутми*» каби луғавий маънолар мавжуд.

Бугунги кунда маданияти, урф-одати жихатидан бир-биридан узок бўлган халқларни ўзаро қиёслаш, тадқиқ этиш долзарб муаммолардан биридир. Турли расм-русум ва анъаналар туфайли нуткий хулқнинг ижтимоий белгиланган шакллари юзага келиб, уларнинг йиғиндиси асосида маълум вазият қолипларининг мавзу гуруҳлари ҳосил бўлади. Ўзбек халқида саломлашиш вазиятидаги «*Ассалому алайкум*» – «*Ваалайкум ассалом*», «*Хуш келибсиз*» – «*Хушвақт бўлинг*», «*Ҳорманг*» – «*Омон бўлинг*», «*Яхши қолинг*» – «*Яхши боринг*»; қутлаш вазиятида «*Муборак бўлсин*» – «*Қўллуқ*» каби махсус турғун бирликлар, немис халқида саломлашиш вазиятидаги *Guten Morgen/Tag/Abend*, (*Хайрли тонг/кун/кеч*), *Herzlich Willkommen – Danke schön* (*Хуш келибсиз – Раҳмат камта*), *Frohes Schaffen – Danke schön* (*Ҳорманг – камта раҳмат*), *Leb wohl – Gute Reise/Fahrt* (*Яхши қолинг – Ажойиб саёҳат тилайман/Оқ йўл*); қутлаш вазиятида *Gratulation/Ich gratuliere – Danke schön* (*Табриқлайман – камта раҳмат*) каби махсус шакллар ўзбек ва немис нутк

¹ Schulz von Thun, Friedemann: Das Kommunikationsquadrat. URL: http://www.schulz-von-thun.de/index.php?article_id=71. (Abruf am 2.01.2015).

этикети учун зарурий алоқа воситалари саналиб, уларсиз нутқий этикет меъёри бузилади.

Ўзбек тилшунослигида нутқий этикет шаклларининг ўрганилиши узок даврни ўз ичига олади. Аммо бу тадқиқотларда нутқий этикетлар деярли бир тил доирасида ўрганилган бўлиб, бошқа тил ва бошқа миллат вакиллари, хусусан, немис тили нутқий этикетлари билан қиёсий планда олиб борилган махсус тадқиқот ишлари старлича ёритилмаган. Немис тилшунослигида нутқий этикетлар ғарб маданияти таъсирида шаклланган бўлиб, уларни ўзбек нутқий этикетлари билан қиёслаб ўрганиш икки миллат вакиллари учун ҳам фойдали хулосалар беради.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ўзбек ва немис нутқий этикетининг ижтимоий хусусиятлари» деб номланади. Бу бобда нутқий этикетнинг ёш ва гендер хусусиятлари, ўзбек ва немис тилларида қўлланилувчи мурожаат шакллари, сенлаш ва сизлаш муносабати тўғрисида баҳс юритилади.

Нутқий этикет бирликларининг ўзига хос аҳамияти шундаки, улар ижтимоий омиллар асосида юзага чиқади. Нутқни шакллантиришда турли ижтимоий омиллар етакчилик қилади. Улардан бири ёш омилдир. Инсонлар нутқида ёш белгиси катта аҳамиятга эга. Ёш нисбатига кўра кексалар нутқи, ёшлар нутқи ва болалар нутқи фарқланади. Нутқий этикет вазиятларида иштирок этувчи сўзловчиларнинг миллий хусусиятларини, ёш белгисига кўра таҳлил қилиш мавзу доирасида қизиқарли фарқларни қўлга киритишга имкон яратади. Масалан, иккала халқда ҳам кекса ёшдаги кишилар нутқида ҳаётий хулосалар, жамиятдаги ижтимоий ҳодисаларга бўлган босиқ ва дуо – насиҳатларга асосланган муносабатлар яққол кўринади. Лексик жиҳатдан кузатилганда, кекса ёшдаги кишилар нутқида нутқий этикетнинг турли вазиятларида «балли», «баракалла», «барака топ», «отанга раҳмат», «қуллук» сингари қатор шакллар ишлатилиши учрайди. Уларда ҳаётдан шукроналик, муросасозлик муносабати анча устун бўлгани туфайли, нутқларида шунинг натижаси сифатида «алҳамдулилло», «Худоба шукур», шунингдек, «тавба», «астағфирулло» сўзлари қўлланилади, мақол ва маталлар кўп қўлланилади.

Немис кексалари ва ёшлари агар таниш бўлсалар «сенлаб» мурожаат қилишлари ўзаро ҳурматни, яъни яқинликни ифодалайди. Бундан ташқари, фарзандлар ҳам ўз ота-оналари, амаки-тоғалари, амма-холаларини ва барча қариндош-уруғларини «сенлаб» мурожаат қилишлари одат саналади. Ҳатто қариндош-уруғларидан бирортасига «сенлаб» мурожаат қилмасалар, буни бегоналашиш, узоқлашиш мазмунида тушуниб хафа бўлиш ҳолати кузатилади.

Ҳар иккала халқда ҳам, ёшлар чет тилидан ўтган сўзларни жуда кўп ишлатадилар. Улар, айниқса, шаҳарлик ёшлар ўртасида ўринли ва ўринсиз равишда тез-тез учраб туради. Нутқий этикет вазиятларига мансуб махсус миллий алоқа воситалари саналган маълум андозадаги шаклларни ҳам фарқли қўллайдилар: саломлашиш (Begrüßung) вазиятида қисқагина қилиб салом (Hallo) дейиш; хайрлашиш (Verabschiedung) вазиятида хайр (Tschüss) ёки бўпти (Ok), миннатдорчилик билдириш (sich bedanken) вазиятида

рахмат (Danke schön) сингари лўнда, аниқ тил бирликларини ишлатиш ушбу ёидаги мулоқотчиларга тегишли нутқ меъёрини кўрсатади.

Ёшлар нутқининг ўзига хос жиҳатлари, айниқса, Европа мамлакатлари тилларида яққол кўзга ташланади, у, табиийки, оғзаки мулоқотда учрайди. Ёшлар нутқи ёшларнинг ижтимоий келиб чиқиши, жинси, жамиятда эгаллаган мавқеига боғлиқ. Шунинг учун ҳам уларнинг нутқи ички гуруҳлар ўртасида ўзаро фарк қилади. Ёшлар нутқи лексикони нутқий жараёнда, асосан саломлашишда, мурожаат шаклларида, афоризмларда, махсус маъно англатувчи сўз ўйинларида, бошқа тилдан кириб келган сўзларни қўллашда намоён бўлади. Немис тилшунос олими С.Аугенштейн мулоқот асосий тўрт омилнинг маҳсули сифатида кузатилиши лозимлигини таъкидлайди. «Бу тўрт омил қуйидагилардан иборат: сўзловчи, тингловчи, ички ва ташқи дунё, тил»¹.

Тил воситаларини гендер жиҳатидан таҳлил қилиш кейинги йилларда фанда катта қизиқиш билан ўрганилаётган масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада Европа тилшунослигида бир қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, уларда асосан эркак ва аёллар нутқида учрайдиган мурожаатларнинг фарқли ҳолатлари кўрсатиб ўтилган. Ҳар бир миллат ўзининг ментал табиатидан келиб чиққан ҳолда, мулоқот жараёнида тил воситаларини турлича қўллайди. Ўзбеклар мулоқотида қўлланиладиган тил воситалари умумий маънода бошқа халқларникига ўхшаса-да, унда миллий маданият акс этиб туради. Шу билан бирга, аёллар ва эркаклар нутқида ҳам бу воситаларнинг қўлланилишида фарқлар кўзга ташланади.

Жаҳон тилшунослигида нутқий этикетнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилгани ҳолда, қиёсий тилшунослиқда айрим ишларда берилган баъзи фикрларни ҳисобга олмаганда, кўзга кўринарли ишлар деярли йўқ. Хусусан, рус, немис ва инглиз тилларида аёллар ва эркаклар нутқида қўлланилувчи воситалар таҳлил этилиб, бир қатор ишлар олиб борилган бўлса-да, лекин бу масалаларни турли тилларда қиёсий кесимда тадқиқ этилган деб бўлмайди. Бугунги кунда ўзбек тилшунослигида Ш.Искандарова, С.Мўминовларнинг илмий тадқиқотлари, Б.Р.Аҳмедовнинг «Ўзбек тилида гендер тадқиқи», Г.И.Эргашеванинг «Турли тизимли тилларда гендерга оид терминологиянинг шаклланишида лингвистик ва экстралингвистик омиллар», Н.А.Атабаева «Фразеологик бирлик ва мақолларда гендер талқини», Н.З.Насруллаева «Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида гендер концептларнинг шаклланиши» каби тадқиқотларида гендер масаласи ўрганилган бўлса-да, тиллараро қиёсий талқинда ўрганилмаган нутқий этикетларнинг гендер хусусиятлари таҳлилига бағишланган ишлар амалга оширилмаган.

Немис тилшуноси Фрис Маутнер айнан гендер тафовутлар борасида тадқиқотлар олиб борар экан, бу фарқланишлар эркак ва аёлларнинг дискурс

¹ Augenstein S. Funktionen von Jugendsprache. Studien zu verschiedenen Gesprächstypen des Dialogs Jugendlicher mit Erwachsenen. – Tübingen: De Gruyter, 1998. – S.288.

фаолиятларида ажралиб турувчи бир қатор жиҳатларга боғлиқ эканлигини антик давр театр аъёналарига боғлаб талқин қилади¹. Тарихдан маълумки, илгари антик давр театр томошаларида аёллар роли эркаклар томонидан ижро этилган ва шу тариқа «эркаклар тили» ва «аёллар тили» ўртасида ўзига хосликлар юзага келган. Кейинчалик эса аёллар тилининг ўзига хослиги театрдан ташқари, турли жамоат жойларида, кундалик ҳаётда ҳам фарқланиб қолган.

Ўзбек ва немис тилларида аёллар нутқида эмоционал бирликлар бирдай фаол қўлланилади. Айниқса, ўзбек аёллари дискурси эркаклар нутқидан фарқли равишда қўшимча маъно ифодалашга қаратилган воситаларга бойлиги билан характерлидир. Масалан, ўзбек хотин-қизлари нутқида ниҳоятда фаол «вой» ундови қўлланилади. Ўзбек аёллари нутқида ишлатиладиган «вой ўлай» ибораси эса ўзак мазмун-моҳиятига деярли зид бўлган маъно ифодалайди:

*Саҳар туриб сизир соғади,
Уйида қўй, новвос боқади,
Пардозсиз ҳам эрга ёқади,
«Вой, ўлай» дейди-ю ўлмайди.* (С.Мўмин, Эъзоз)

Немис аёллари кўпроқ ўзларининг кун давомида нималар қилганлигини, масалан, эрталаб бекатда нимани бошидан кечирганлиги, кимлар телефон қилганлиги ва улар билан нималар ҳақида гаплашганларини сўзлашни ёқтирадилар. Бу кичик тафсилотлар унчалик аҳамиятли бўлмаса-да, муҳими уларнинг ўз яқинлари билан алоқа ўрнатганлиги ҳисобланади. Деярли барча немис оилаларида кечки овқат вақтида аёллар қуйидаги савол билан гап бошлайдилар: «*Wie war dein Tag?*» (*Кунинг қандай ўтди?*) бу саволга турмуш ўртоғи, фарзандлари, қолаверса, ўзи ҳам жавоб бериб, шу мавзу атрофида суҳбатлашиб ўтирадилар.

Мурожаат нутқий этикетнинг асосий бирлиги сифатида хизмат қилади. Мурожаат шакллари барча тилларда мулоқотни зарур тарзда олиб боришда катта аҳамиятга эга. Мурожаат орқали тингловчининг қайси ижтимоий гуруҳга хослиги, ёши, жинси, бажараётган вазифаси, қолаверса, характер хусусиятлари, аynи дамдаги кайфияти каби қатор жиҳатлар ёритилиши мумкин. Ўзбек тилида «ўртоқ», «тақсир», «бегим», немис тилидаги «*Kamerad*» (*ўртоқ*), «*Fräulein*» (*хоним*) сўзлари қўшимча ижтимоий вазифалар оқибатида ўз вазифасини ўзгартирган. Масалан, *ўртоқ Тожибоев*, *Kamerad Walser* (*ўртоқ Валсер*) ёки *ўртоқ Карим Ҳасанов*, *Kamerad Peter Gärtner* (*ўртоқ Петер Гертнер*) тарзида. «*Fräulein*» (*хоним*) мурожаат шакли ўтган асрнинг 60-70-йилларига қадар турмушга чикмаган қизларга нисбатан қўлланилган. Бугунги кунда эса у нутқий этикет шакли сифатида эскирган.

Ўзбек халқида нотаниш тингловчилар билан мулоқот жараёнида қариндошлик гипонимлари саналувчи мурожаат шаклларида фойдаланиш, одатда, ёш ва жинс белгилари билан ажралиб туради. Масалан, *келинойи*, *янга*, *хола* ёки *тоға*, *амаки*, *почча* деб мурожаат қилинади. Немис халқида эса

¹ Mauthner Fritz. Beiträge zu einer Kritik der Sprache. I Ffm. – B.: Wien, 1982. – S.102-105.

нотаниш адресатларга нисбатан ёш ва жинс белгиси у қадар фаол эмас. Уларда ёшидан қатъи назар, «*Entschuldigung, ...*» (*Кечирасиз, ...*) деб мурожаат қилинаверади. Ҳар иккала ҳалқда ҳам яқин оила аъзолари, қадрдон танишларга нисбатан мурожаатда баъзан исмларнинг қисқартириб айтилиши учрайди. Масалан, немис халқида *Katarina* исмли қизни *Karin*, *Evangelija* исмли қизни *Eva*, *Stefan* исмли ўғил болани *Stefi*, *Rudolf* исмли ўғил болани *Rudi* деб қисқартириб айтиш одат тусини олган. Бу қисқартириб мурожаат қилиш орқали эркалаш маъносини ҳам тушунмиш мумкин. Бундай ҳолат ўзбек халқига ҳам хос бўлиб, бунда ҳам мурожаат қилувчининг яқинлик маъноси англашилади. Бу мурожаатларда ўзбекларда никоҳ ва никоҳдан кейинги ҳолатлар алоҳида эътиборга олинади.

Немис халқида эса бу каби қариндош бўлмаган кишиларга нисбатан ишлатилаётган қариндошликнинг иккиламчи номланишлари умуман учрамайди. Уларда ўзидан катта, кичик ёки тенгдошларга нисбатан бирдай исми билан чақириш одат ҳисобланади. Ўзбек оилаларида одатда қайнонанинг келинларга нисбатан сизлаб мурожаат этиши меъёр ҳисоблангани ҳолда, бу ўринда сўзловчининг «сен»лаш шаклидан фойдаланиши унинг характер жиҳатларини очиб беришга ёрдам берган.

Немис халқининг ёшлар нутқи ўзбек ёшлари нутқидан кескин фарқ қилиб, тенгдошлар бир-бирларига исмларини айтиб ёки нотаниш тенгдошларга «*Entschuldigung*» (*Кечирасиз*) деб мурожаат қилиш меъёр саналади. Ёшлар тилини ўрганиш, унинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш бир қанча немис олимларининг тадқиқот объекти бўлган. Масалан, немис тилшунос олимаси Сузанне Аугенштайн (*Susanne Augenstein*) ўзининг «*Funktionen von Jugendsprache*», «*Studien zu verschiedenen Gesprächstypen des Dialogs Jugendlicher mit Erwachsenen*» (Ёшлар тилининг вазифалари. Ёшларнинг ўсмирлар билан ҳар хил суҳбат турларини ўрганиш) каби тадқиқотларида, немис тилшуноси *Sedlaczek, R.* «*Das Lexikon der Jugendsprache*» (Ёшлар тили лексикони), *Bredow, W.* «*Medien und Gesellschaft*» (Ахборот воситалари ва жамият), *Lüger, H.-H.* «*Pressesprache*» (Маъбуот тили) мавзуларида тадқиқот олиб борганлар.

Нутқий одатда суҳбатдошлар ўртасида алоқа ўрнатилшининг ўзига хос усуллари мулоқотда шароитга мос муносабатларнинг турли кўринишларини белгилаш мумкин бўлган «сен» ва «сиз» мурожаат шаклларини ишлатиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Немис тилида фарзандлар ота-оналарига *сен* шаклида мурожаат қилишлари меъёр ҳисобланади. Фақатгина ўтмишда баъзи ҳолларда *сиз* шаклида мурожаат қилинганини кузатишимиз мумкин.

Ferdinand: Ich bitte Sie, Vater! Lassen Sie mich nicht länger in einer Vermutung, wo es mir unerträglich wird, mich Ihren Sohn zu nennen! (Ф.Шиллер, Макр ва муҳаббат)

(*Отажон, Сиздан ўтиниб сўрайман! Мени шубҳа-ғумонлар остида қолдирманг. Мен қўтара олмайдиган ишлар қилиб, ўзимни Сизнинг ўглингиз эканлигимга ор қилдирманг!*)

Ушбу парчада интонация (ёзувда ундов белгиси) ҳамда ундалма шакли (Vater) сўзловчининг тингловчига ялинишини ифодаламоқда.

Iris: was suchst du, Mama? (Ирис: нима қидирясан, она?)

Mutter: ich suche ein Haus, mein Schatz. Warte bitte kurz, ich bin gleich wieder da. (Она: мен уй қидиряман, менинг хазинам. Озгина кутиб тур, мен яна бу ерга келаман.) (Schritte International, Niveau A2/2)

Келтирилган мисолда суҳбатнинг *сен* шаклида амалга оширилиши эса, аксинча, немис нутқ одатининг бузилишига таъсир қилгани йўқ. Она ва бола ўртасидаги самимий, яқин муносабат ифодаланишига хизмат қилган.

Иккала тилда ҳам ўғил, қиз, жиян, ука, набира, сингил сингари кичик ёшдаги тингловчиларга одатда «*сен*» деб мурожаат қилиш кузатилади. Ака ёки опанинг ука-сингиллари билан муомаласида *сен* шакли фаол қўлланилади:

– *Бекор қилибсан. Эшитган қулоққа яхшимас! – деди у. (Шухрат, Олтин зангламас)*

– *Robert, wann kommst du morgen? (– Роберт, эртага қачон келасан?)*

Шунингдек, бобо ёки бувининг ўз неварасини, тоға, амаки, амма ёки холанинг ўз жиянини сенлаб гапириши меъёрий ҳолат ҳисобланади.

Қариндошлик нутқий мулоқотида эр-хотин муомаласи алоҳида ажралиб туради. Бу ерда *сен* ва *сиз* шакллариининг қўлланиши нутқ акти аъзоларининг жинсига боғлиқ. Бу ҳақида гап кетганда, ўзбек аёллари учун хос шарқона фазилагга тўхталиш даркор. Ғарб халқларида эр-хотиннинг бир-бирига сенлаб гапириши меъёрий ҳолат саналади. Кўпчилик ўзбек эркалари ўз рафикасига сенлаб гапирадилар, бироқ аёллар ўз турмуш ўртоғини сенламайдилар, бу билан уларга ўз хурматларини ифода этадилар:

– *Ўзинг қалайсан? Зерикмай турибсанми? Ёки кечалари кўз ёшларинг билан ёстиқларни ивитиб қўйясанми?* (З.Саидносирова, Ойбегим менинг)

Бундай контекстда сўзловчининг тингловчига ижобий муносабати кўпроқ ифодаланади. Бу ҳам эрнинг хотинига муомаласидаги гамхўрлик, хайрихоҳлик ва унинг учун қуюниш ҳолатлари айнан *сен* шакли ёрдамидаги мурожаат орқали етказиб берилган.

Немис халқи учун эр-хотиннинг нутқ актида *сен* шаклидан фойдаланиш меъёр ҳисобланади. Немис шоири Курт Тухолскининг «*Du*» («*Сен*») деб номланган шеърида узоқ вақт биргаликда оилавий ҳаёт кечирган эр-хотин ўртасидаги ўзаро тортишувни, тўғрироғи, жанжални, бир-бирларидан қолишмасдан айтишувларни қуйидагича тасвирлайди.

«*Ja!*» (*Ҳа!*)

«*Nein!*» (*Йўқ!*)

«*Wer ist schuld?*» (*Ким айбдор?*)

«*Du!*» (*Сен!*)

«*Himmeldonner wetter, lass mich in Ruhe!*» (*Худо ҳаққи, мени тинч қўй!*)

(*Berliner Platz 3, S. 56*)

Бу парчада нутқ акти аъзолари аёл (Мюллернинг хотини) ва Мюллер. Эр-хотиннинг ўзаро суҳбагида –*сен (Du)* шаклидан фойдаланиляпти ва нутқий одат меъёри бузилгани йўқ. Кўриниб турибдики, нутқ акти қандай

вазиятда амалга оширилмасин, эр-хотин ўртасидаги мулоқот *сен* шаклида юзага чиқмоқда.

Ўзбек ва немис оилаларида қариндошлик муносабатларида *сен* ва *сиз* шакллари қўллашда бир қанча фарқлар ва бир оз ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Бу хусусиятлар, албатта, ҳар бир халқнинг келиб чиқиши, жамиятда тутган ўрни, ва бошқаларга боғлиқ тарзда намоён бўлиб, ўша халқ учун меъёр ҳисобланади. Немис халқида ҳам *сен* ва *сиз* мурожаат муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Жумладан, касбий ҳаётда сенлаш муносабати лавозим мавқеига кўра иерархик хусусиятга эга. Ўзидан юқори лавозимда бўлган кишига нисбатан сенлаш этикет қоидаларига тўғри келмайди. Агар ўзидан юқори лавозимдаги кишининг ўзи сенлашни таклиф этса, бу муносабат шаклига ўтилиши мумкин¹.

Немис этикетида «Temporäres Duzen» (вактинчалик сенлаш) одати бўлиб, бу одат немислар учун меъёр ҳисобланади. Бундай ҳолатни раҳбар (бошлик, директор, шеф) билан ходим бирга саёҳатга чиққанида, семинар узоқ муддатли ёки битта спорт клубларига қатнашганида кузатиш мумкин. Масалан, раҳбар билан тоғ чўққисига чиққан ходим шундай деб савол бериши мумкин: «*Warst du schon auf dem Gipfel?*» (Илгари ҳам чўққида бўлганмисан?). Эртасига эса иш жойида яна сизлаб шундай дейиш мумкин: «*Fanden Sie den Aufstieg auch so beeindruckend?*» (Юқорида кўтарилмиш Сизда яхши таассурот қолдирдимиз?).²

Кўринадики, вактинчалик сенлаш этикети маълум муддат оралиғида ўртадаги тафовутни унутиш, тенглик, хотиржамлик ва қулайлик ҳис этишга ёрдам беради, масъулият ва талабчанликдан бир оз озод қилади. Шунинг учун ҳам у дам олиш, ҳордик чиқариш вақтлари учун хосланган. Ўзбек тилида бундай вактинча амал қилинувчи этикет шакли йўқ.

Умуман, нутқий этикетда сенлаш ва «сиз» деб мурожаат қилишда ўзбек ва немис этикетларида катта фарқлар кўзга ташланади. Немисларда «сен» шакли нисбатан фаол. Бу оила муносабатларида (эр-хотин, ота-она ва ш.к.) ва иш жойларидаги ўзаро мулоқот шаклларида яққол намоён бўлади.

